

2005 йил июлдан чиқа бошлаган, ҳафтада бир марта чоп этилади

## Янги ҳужжатларни тақдим этамиз

Тақдим этилаётган, шунингдек сўнги пайтда қабул қилинган бошқа ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан «Norma» АҚТ ва [nrm.uz](http://nrm.uz) сайтида танишиб чиқишингиз мумкин.



## Бўш турган объектлар билан махсус марказ шуғулланади

Президентнинг 1.07.2020 йилдаги 4771-сон қарори билан бўш турган объектлардан самарали фойдаланишни ташкил этиш ва ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари белгиланди.

Фаолият кўрсатмаётган, фойдаланилмасдан турган нотура объектлардан оқилона ва самарали фойдаланиш ҳамда уларни ташкилотларнинг хўжалик фаолиятига кенг жалб этиш мақсадида Давлат активларини бошқариш агентлигининг ҳудудий бошқармалари ҳузуридаги «Давлат мулкни ижарага бериш маркази» ДУКлар негизда Бўш турган объектлардан самарали фойдаланишни ташкил этиш маркази ва унинг ҳудудий бошқармалари ташкил этилади. Марказ тугатилаётган ДУКларнинг барча ҳуқуқлари ва мажбуриятлари, шу жумладан, шартномавий муносабатлари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

Куйидагилар Марказнинг асосий вазифалари этиб белгиланди:

- бўш турган нотура бино ва иншоотларни, фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш майдонларини аниқлаш ва ҳисобини юритиш;
- бўш турган давлат мулки объектларини сақлаш ва улардан самарали фойдаланишни ташкил этиш;
- ижарага берилган давлат мулки объектларини

ва уларни ижарага беришдан тушадиган маблағларни ҳисобга олиш ва уларнинг мониторингини олиб бориш, шунингдек улардан мақсадли фойдаланилишини ва уларнинг сақланишини, шунингдек, ижара тўлови ўз вақтида ва тўлиқ тўланишини назорат қилиш;

➢ давлат муассасалари (корхоналари)га бириктирилган давлат мулки объектларидан самарали фойдаланилиши ва уларнинг сақланишини белгиланган тартибда текшириш;

➢ давлат муассасалари (корхоналари)га оператив бошқарув ҳуқуқи билан берилган давлат мулки объектларининг ортиқча қисмини, шунингдек, фойдаланилмаётган ёки мақсадсиз фойдаланилаётган давлат мулки объектларини олиб қўйиш;

➢ Қурилиш соҳасида назорат инспекцияси хулосасига асосан яроқсиз деб топилган давлат мулки объектларини бузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

➢ бўш турган хусусий мулк объектларини уларнинг мулкдорлари ихтиёрига қўра ижарага берилишида ҳар томонлама амалий ёрдам кўрсатиш.

Марказ ва ҳудудий бошқармалар фаолиятини молиялаштириш манбалари:

- республика Давлат бюджети маблағлари;
- давлат мулки объектлари ижарасидан тушадиган маблағлар;
- Агентлик ҳузуридаги Давлат активларини бош-

қариш, трансформация ва хусусийлаштириш жамғармаси маблағлари;

➢ қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

Марказ давлат бошқаруви органи ҳисобланади ва ўзига юкланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида барча давлат органларидан зарур бўлган ахборот ва материалларни сўра олишга ҳақли. Бўш турган объектлар тўғрисидаги маълумотлар Марказ томонидан автоматлаштирилган тизим орқали тегишли давлат органларидан олинади. Маълумотлар Марказнинг расмий веб-сайтида жойлаштирилади ва ҳар ойда янгилаб борилади.

Ҳудудий бошқармалар ҳодимлари туман (шаҳар)ларнинг ҳар бир маҳалласига бириктирилади ҳамда ваколати доирасида маҳалла ҳудудида жойлашган бўш турган объектларни аниқлаш ва улардан самарали фойдаланишни ташкил этади. Бўш турган давлат мулки объектлари, республика Инвестиция дастурига киритилган объектлар бундан мустасно, сақлаш ва улардан келгусида самарали фойдаланиш (хусусийлаштириш, ижарага бериш ва бошқа) мақсадида Марказ ва ҳудудий бошқармаларга топширилади.

Марказ ва ҳудудий бошқармалар ҳодимлари ўз ваколатлари доирасида бўш турган объектларга тўсқинликсиз қиради ва кўздан кечирилади. Бунда, хусусий мулк объектларига кириш ва уларни кўздан кечириш Текширувларни электрон рўйхатга олиш ягона тизимида рўйхатдан ўтказиш орқали ваколатли органи хабардор этиш тартибда амалга оширилади.

Марказнинг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорлари давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва хўжалик юритувчи субъектлар томонидан бажарилиши мажбурий ҳисобланади.

**Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 2.07.2020 йилдан кучга кирди.**

Эльмира Сиразиева.

## Томорқа хўжалиги: техника учун божхона божи ноль ставкада тўланади

Президентнинг 30.06.2020 йилдаги ПҚ-4767-сон қарори билан аҳоли томорқаларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг кўшимча чора-тадбирлари белгиланди.

2022 йил 1 январга қадар олиб келинадиган куйидаги техникаларга божхона божининг ноль ставкаси белгиланган (ҚҚС ва божхона расмийлаштируви учун тўловлардан ташқари):

- автомобиль рефрижераторлари (ТИФ ТН коди 8716 39 300 2);
- мотокультиваторлар (8432 29 100 0);
- инкубаторлар ва брудерлар (8436 21 000 0);
- бир ўқли тракторлар (8701 10 000 0);
- мини-тракторлар (8701 91 100 0 – 8701 94 100 0).

Мамлакатимизнинг барча қишлоқ туманларида фаолият юритаётган «Томорқа хизмати» МЧЖлар қишлоқ хўжалиги экинларини етиштириш ва реализация қилишда фермер, деҳқон ва томорқа эгаларига амалий қўмак кўрсатиш мақсадида қўллаб-қувватланади. Жамиятларга иссиқхона, совуткичли омборхоналар, чорвачилик мажмуалари қуриш учун ер майдонлари,

шунингдек аҳоли гавжум пунктларда махсус савдо майдонлари ажратилади. Натижада томорқаларга кафолатланган кўчат ва уруғларни етказиб бериш, маҳсулотларни сотишни ташкил қилиш мумкин бўлади.

Шунингдек қуйидагилар назарда тутилган:

➢ аҳолини томорқаларида етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш учун кичик ҳажмли совуткичлар (20-30 тонна) барпо этиш учун кредит ажратилади;

➢ томорқа ер эгаларига – бир йилда 2 млн сўмгача миқдорда, шу жумладан 3 ойлик имтиёзли давр билан МБнинг асосий ставкаси бўйича 4%лик банк маржасини ҳисобга олган ҳолда микрокредитлар ажратилади. Улар Оилавий тадбиркорлик маркази хулосасисиз онлайн тарзда расмийлаштирилади.

Ўз навбатида, Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси томонидан:

➢ 2023 йил 1 январга қадар «Томорқа хизмати» МЧЖ ҳамда қишлоқ хўжалиги кооперативларига бериладиган кредитлар бўйича кредит суммасининг 50%гача, бироқ 3 млрд сўмдан ортиқ бўлмаган ҳажмда кафилилик берилади;

➢ фермер, деҳқон хўжалиги ва томорқа ер эгалари, «Томорқа хизмати» МЧЖ ва қишлоқ хўжалиги кооперативларига Фермер, деҳқон хўжалиги ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан ажратилган кредитлар фоиз ставкасининг 7,5 фоизли пунктгача қўллаб берилади.

Инқирозга қарши курашиш жамғармаси томонидан камида 30 та аҳоли томорқаларини сугориш учун ер ости сувларига қудуқларни бурғулаш харажатларининг 70%ини, бироқ 120 млн сўмдан ошмайдиган қисмини қоплашга субсидия ажратилади. Кейинчалик ҳар йили (1 апрель ва 1 августга қадар) сув таъминоти оғир ҳудудлардаги аҳоли томорқаларида қазиладиган қудуқларни бурғулаш манзилли дастури шакллантирилади ва тасдиқланади, лойиҳа ташаббускорларига субсидиялар қуйидагича молиялаштирилади:

- 2020-2021 йилларда – Инқирозга қарши курашиш жамғармаси ҳисобидан;
- 2022 йилдан бошлаб – Фермер, деҳқон хўжаликларига ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан.

**Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 1.07.2020 йилдан кучга кирди.**

Олег Заманов.

2-бетга

Ушбу сонда:

3-6-БЕТЛАР

Уйларни кимлар бошқариши керак

7-БЕТ

Карантин даври: иш ҳақи сақланмайдиган таътилни форс-мажор ҳолатига киритиш мумкинми?

8-БЕТ

Иш вақтидан ташқари ва байрам кунларидаги ишлар ўртасида қандай фарқ бор?

## Нотариус лицензиясининг амал қилишини малака комиссияси тўхтатади

**1-бетда** Адлия вазирининг буйруғи билан Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари ҳузуридаги малака комиссиялари тўғрисидаги низом тасдиқланди (АВ томонидан 26.06.2020 йилда 3250-сон билан рўйхатдан ўтказилган).

Хужжат «Нотариат тўғрисида»ги Қонун ҳамда Президентнинг «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига (13.04.2018 йилдаги ПҚ-3666-сон) мувофиқ ишлаб чиқилган.

Малака комиссияси ҳудудий адлия бошқармаси бошлигининг буйруғи билан 3 йил мuddатга тузилади. Комиссия Нотариал палатасининг ҳудудий бошқармаси вакиллари, нотариуслар, адлия органларининг ходимлари орасидан 5 нафардан 9 нафар кишигача бўлган таркибда тоқ миқдорда тузилади. Комиссия ўз ваколатлари доирасида қарорлар қабул қилишда мустақил ҳисобланади. Унинг фаолиятига аралашшига йўл қўйилмайди.

Малака комиссиясига лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш ёки тугатиш бўйича маъмурий судга ариза киритиш масаласини кўриб чиқиш учун ҳудудий адлия бошқармаси ёки Нотариал палатанинг ҳудудий бошқармаси раҳбарининг тақдимномаси асос бўлади.

Низомда малака комиссияси фаолиятини ташкил этиш бўйича Раис ва котибнинг мажбуриятлари ва иш тартиби, шунингдек йиғилиш-



ларни ташкил этиш тартиби қайд этилган, нотариус томонидан содир этиладиган бир марта кўпоп равишда қондабузарлик ҳисобланадиган ҳуқуқбузарликлар санаб ўтилган.

Малака комиссияси йиғилиши баённомаси комиссиянинг ҳар бир аъзоси томонидан имзоланади ва тасдиқлаш учун раисга тақдим этилади. Баённома тасдиқлангандан сўнг унинг нусхаси котиб томонидан йиғилиш ўтказилган кундан бошлаб бир кун ичида тегишли ҳудудий адлия бошқармасига ва Нотариал палатанинг тегишли ҳудудий бошқармасига ҳамда нотариусга етказилиши таъминланади. Нотариус малака комиссияси қароридан норози бўлган тақдирда, ушбу қарор устидан Адлия вазирлиги ҳузуридаги Олий малака комиссиясига ёки судга шикоят қилиш тартиби белгиланган.

**Хужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 26.06.2020 йилдан кучга кирди.**

Баҳодир Қаюмов.

## Навбатдаги қиёсловдан ўтказиш мuddати 1 сентябргача узайтирилди

**Корантин эълон қилинганидан кейин кўпчиликда саволлар туғилмоқда: электр энергияси, газ, совуқ ва иссиқ сув ҳисоблагичлари қиёсловдан қандай ўтказилади?**

– Масалага оидлик киритиш ва аҳоли учун қулайлик яратиш мақсадида Республика инқирозга қарши курашиш комиссияси (Президентнинг 19.03.2020 йилдаги ПФ-5969-сон Фармони билан ташкил этилган) томонидан навбатдаги баённома тасдиқланди, деб хабар қилади Давлат хизматлари агентлиги.

Хужжатга мувофиқ мазкур даврда кун тартибда турган асосий масалалар коронавирус инфекцияси тарқалишининг олдини олиш, аҳоли хавфсизлигини таъминлаш, фуқаролар ҳамда коммунал хизматлар ходимларининг ҳаёти ва саломатлигини муҳофаза қилиш ҳисобланади.

Шу боисдан Давлат хизматлари марказлари орқали олинган табиий газ, электр энергияси, иссиқ ва совуқ сув ҳисоблагичларини қиёсловдан ўтказиш бўйича аризаларни кўриб чиқиш мuddатлари 2020 йил 1 сентябргача узайтирилди.

Бундан ташқари, аҳоли ва ижтимоий объектларнинг табиий газ, электр энергияси, иссиқ ва совуқ учун қарздорлиги юзасидан судга даъволар бериш, шунингдек уларни тармоқдан ўчириш вақтинчалик тўхтатилган.

norma.uz.

## 2020 ЙИЛНИНГ II ЧОРАГИ УЧУН ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАР РАСМИЙ КУРСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СЎМИГА НИСБАТАН ДИНАМИКАСИ\*

Ўзгариш ойи	Ўзгариш кун	1 Англия фунт стерлинги	1 АКШ доллари	1 евро	1 Туркия лираси	1 Швейцария франки	1 Жанубий Корея вони	1 Япония иенаси	1 Россия рубли	1 Украина гривнаси
Апрель	7	11 757,46	9 590,10	10 364,98	1 425,19	9 808,84	7,76	88,43	124,40	349,51
	14	12 070,17	9 693,36	10 599,69	1 447,61	10 033,50	8,00	89,37	131,43	357,42
	16	12 775,74	10 121,00	11 111,85	1 485,15	10 542,71	8,35	94,41	138,69	371,43
	21	12 671,41	10 137,94	11 026,02	1 462,91	10 482,82	8,34	94,30	137,02	374,79
	28	12 527,77	10 130,00	10 960,66	1 452,91	10 411,10	8,23	94,23	135,64	373,69
Май	5	12 663,76	10 129,39	11 125,11	1 445,40	10 538,28	8,27	94,73	134,80	376,15
	12	12 577,22	10 137,20	10 988,72	1 431,40	10 444,26	8,31	95,05	138,26	378,13
	19	12 260,82	10 129,56	10 955,12	1 468,22	10 427,79	8,22	94,65	137,54	380,77
	26	12 333,44	10 139,30	11 051,84	1 488,73	10 443,20	8,17	94,22	141,35	377,28
Июнь	2	12 527,07	10 148,31	11 262,59	1 488,41	10 557,96	8,24	94,17	144,05	377,40
	9	12 856,98	10 153,19	11 456,86	1 500,18	10 549,86	8,45	92,66	147,95	382,43
	16	12 730,48	10 151,90	11 424,95	1 490,60	10 660,40	8,43	94,58	145,39	379,65
	23	12 569,46	10 172,76	11 368,06	1 485,12	10 682,31	8,39	95,19	146,39	380,72
	30	12 546,83	10 173,38	11 411,48	1 485,03	10 732,55	8,45	94,89	145,97	381,25

\*ЎЗР Марказий банки томонидан валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек божхона тўловларини ҳисоблаб чиқиш учун белгиланган. Курслар МБ мазкур валюталарни ушиб қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган ҳолда белгиланган.

УШБУ СОНДА

### • ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

– Янги ҳужжатларни тақдим этиш

**1-2-бетлар**

### • ИСТЕЪМОЛЧИ ЭЪТИБОРИГА

– Навбатдаги қиёсловдан ўтказиш мuddати 1 сентябргача узайтирилди

**2-бет**

– 2020 йилнинг II чораги учун хорижий валюталар расмий курсининг Ўзбе-

кистон Республикаси сўмига нисбатан динамикаси

**2-бет**

### • БИЗ ЯШАЙДИГАН УЙ

– Ҳаммаси учун тўланган!

– Уйларни бошқариш: шунча бўларму бай-бай...

– Уй-жой фондини бошқаришга аралашув ҳолатларида қандай ҳужжатларга амал қилиш керак

– Ҳокимиятлар аралашуви тақиқланади, бироқ уй-жой фондини бошқаришда тартибга солиш кучайтирилади

– Қиш ғамини ёзда е

**3-6-бетлар**

### • КАДРЛАР БЎЛИМИ

– Хорижлик ходимни рухсатнома мuddати тугагач ишдан бўшатиш

– Бўш лавозим бўйича ички ўриндошлик

– Ўз ҳисобидан таътил: максимал давомийлиги

– Ўриндошлик бўйича шартномани бекор қилиш

– Навбатчилиқни ташкил этишнинг ўзига хос жиҳатлари

– Ҳуқуқбузарликни аниқлаш

– Ишдан бўшатишда таътил учун компенсация тўлаш

**7-8-бетлар**



*Матрифий мавзудаги тўплам\**

## МУНДАРИЖА:

- ✓ Ҳаммаси учун тўланган!
- ✓ Уйлари бошқариш: шунча бўларму бай-бай...
- ✓ Уй-жой фондини бошқаришга аралашув
- ✓ Ҳокимиятлар аралашуви тақиқланади, Бироқ уй-жой фондини бошқаришда тартибга солиш кучайтирилади
- ✓ Қиш ғамини ёзда е



## Ўрнатиш-созлаш ишлари

## Ҳаммаси учун тўланган!

Замонавий газ ҳисоблагичларни алмаштириш, ўрнатиш, қиёсловдан ўтказиш, таъмирлаш газ таъминоти ташкилотининг ҳисобидан амалга оширилади.

Ўзбекистонда замонавий газни ҳисобга олиш ускуналарини ўрнатиш ишлари бошланган. 2022 йилгача мамлакатда Табиий газни назорат қилиш ва ҳисобга олишнинг автоматлаштирилган тизимини (ГНХАТ) жорий этиш мўлжалланган бўлиб, у уй-жой фондини «ақлли» ҳисоблагичлар билан жиҳозлашни назарда тутди. Бу орқали табиий газ йўқотилиши қисқаради, уни ишончли ҳисобга олиш, назорат ва истеъмол қилиш таъминланади.

Тўғри, ҳозирги вақтда бу ишлар анча мураккаб шароитда олиб борилмоқда. Карантин ҳали бекор қилинган йўқ, вируснинг тарқалиши давом этаётир. Фуқаролар эҳтиёт чораларини кўришлари, ўз саломатликларини хавфга қўймасликлари керак. Шундай бир

пайтда замонавий ускуналарни мажбурий тартибда ўрнатиш кампанияси бошланган. Ҳозирги кунда хонадонга газ ҳисоблагичларини ўрнатувчилар бостириб кириши ҳаммага ҳам ёқаввермаса керак? Ижтимоий тармоқларда бу хусусдаги эҳтиросли чиқишлар кўпайиб кетган.

Ҳисоблагичларни ўрнатиш, қиёсловдан ўтказиш, таъмирлаш истеъмолчилар учун бепул амалга оширилаётгани ҳам бу эҳтиросларни пасайтира олаётгани йўқ. Чунки газ таъминоти ташкилоти ушбу ускуналарнинг мулкдори ҳисобланади. Замонавий ускуналарнинг габарити ҳам кўп квартиралари уйда яшовчиларнинг ҳайратини оширди. Улар аввалиги ўлчагичлардан анча-мунча катталиги билан ажралиб



\*Тахририят иштирофи визитларни таҳлил қилишда иштирок этмайди ва уларни ҳал қилишда қўмақлашишга ваколатли эмас.



туради. Пойтахтдаги кўп квартирали уйларнинг ярмидан кўли 1991 йилгача қурилган. Намунадаги кўп қаватли уйлардаги ихчам хонадонга 22 x 16 см ўлчамидagi ўлчагич қанчалик мос тушаркин? Шинамгина уйингизни бу ускуна безаб турмаслиги ойдек равшан.

Кўпчилик «ақлли» электр ҳисоблагичларни ўрнатиш бўйича бошланган яқиндаги ҳайбаркалчалчилик ҳаракатларини ҳали унутганича йўқ. Бу ҳаракатлар қонун ҳужжатларини бузган ҳолда, шошма-шошарлик, энг муҳими, истеъмолчиларнинг иштирокисиз амалга оширилган эди. Шу талатўпда айрим жойларда ҳисоблагичлар нотўғри ўрнатилди. Унинг оқибати ўлароқ электр энергияси сарфни нотўғри ҳисобланди, асосиз тўловлар ҳисобланди. Ҳозир истеъмолчилар газ ўлчагичлар билан ҳам аҳвол шу таразда тақдорланмасмикин, деган хавотирдалар.

«Худудгазтаъминот» АЖ матбуот хизмати замонавий газ ҳисоблагичларини ўрнатиш зарурати ва механизми, уларнинг афзалликларини тушунтирмакда, фуқароларнинг муурожаатларига муносабат билдирмакда. «Норма маслаҳатчи» ўқувчилари, шунингдек ижтимоий тармоқ фойдаланувчиларида «ақлли» ускуналарни ўрнатишга доир юзага келаётган одатдаги саволларни умумлаштиришга ҳаракат қилдик.

### **Ҳисоблагични шахтага ўрнатиш, ундан воз кечиш ёки бошқа ишлаб чиқарувчининг ихчам ускунасини танлаш мумкинми?**

– *Кўп квартирали уйларда янги газ ҳисоблагичлари ишловчиларнинг иштирокида ўрнатилиши керак. Халқ бу ҳақда қандай хабардор қилинади?*

– Газни ҳисобга олиш ускуналарининг ўрнатилиши хусусий уйлардан бошланди. «Худудгазтаъминот» АЖнинг маълумотларига кўра, кўп квартирали уйларни ҳисоблагичлар билан жиҳозлаш ишлари карантин вазиятларини ҳисобга олган ҳолда олиб борилади. Фуқароларни газ таъминоти ташкилоти куйидаги ахборот каналлари орқали хабардор қилади: «Худудгазтаъминот» АЖнинг сайти, унинг Facebookдаги саҳифаси, Telegram-каналдаги гуруҳи, шунингдек Facebookдаги «Коммуналка» ва «ХУМШ ва у билан қандай яшаймиз?» номли гуруҳларда.

– *Газ ҳисоблагични ўрнатишдан воз кечиш, унинг истеъмоли учун тўловни квартирада ҳисобда турганларнинг сонидан келиб чиқиб тўлаш мумкинми?*

– Президентнинг 9.07.2019 йилдаги ПҚ-4388-сон қарорига биноан замонавий газ ўлчаш ускуналарини ўрнатиш барча тоифадаги истеъмолчилар учун мажбурийдир. Мамлакатда ГНХАТни 2022 йилга қадар жорий этиш назарда тутилган (8-б. «в» кичик банди). Автоматлаштирилган тизим газ таъминотини замонавий электрон ҳисоблаш ускуналари ёрдамида ҳисобга олади ва назорат қилади.

– *Замонавий газ ҳисоблагичи анча-мунча йирик мослама. Аҳоли бошқа ишлаб чиқарувчининг ихчам ҳисоблагичини танлаб, уни ўз ҳисобидан ўрната оладими?*

– Президентнинг 13.11.2017 йилдаги ПҚ-3384-қарори 11-бандига мувофиқ ГНХАТнинг техник параметрларига мос келмайдиган ҳисобга олиш ускуналари ва кўшимча воситаларни олиб кириш ва ўрнатиш тақиқланган. Тизим бир турдаги газ ҳисоблагичларини ўрнатишга мўлжалланган. Акс ҳолда табиий газни истеъмол қилиш борасидаги ахборотни узатишда узилиш ва хатоликлар юзага келиши мумкин.

– *Ҳисоблагич жуда ҳажмдор бўлгани сабабли мўъжазгина ошхонада тиқилиб қолиши мумкин. Уни шахтага ўрнатса бўладими?*

– Замонавий газ ҳисоблагичлар ишлаб чиқарувчи заводнинг талабларини ҳисобга олган ҳолда 2.04.08-13-сонли ШНК меъёрларига мувофиқ ўрнатилади. Маиший газ ҳисоблагич газ таъминоти тизимининг унсурларидан ҳисобланади, шу туфайли уни ўрнатиш учун абонентнинг хоҳиш-истакларига доим ҳам мос тушавермайдиган техник талабларга риоя қилишга тўғри келади.

### **Газчилар ҳисоблагичларни истеъмолчиларга мажбурлаб ўтказишлари мумкинми?**

– *Истеъмолчилар бошқа моделдаги газ ўлчагични танлаш ҳуқуқига эга эмаслар. Буни истеъмолчилар ҳуқуқининг камситилиши ва товарни мажбуран ўтказиш деб тушуниш тўғри бўладими?*

– Замонавий газ ўлчагичлар етказиб берувчининг мулки ҳисобланади ва истеъмолчиларга бепул ўрнатилади. Шунинг учун ҳисобга олиш ускунаси моделини танлаш ҳуқуқи етказиб берувчида қолади. Ҳисоблагичлар истеъмолчиларнинг ҳисобидан ўрнатиладиган бўлганда уларнинг ҳуқуқлари бузилганлиги хусусида гапириш мумкин бўларди.

– *Янги газ ҳисоблагичда қанча пломба бўлиши талаб этилади?*

– Ҳар бир ҳисоблаш ускунасида ишлаб чиқарувчи заводнинг, «Ўзстандарт» агентлиги метрологик хизматининг пломбалари ўрнатилган бўлиши керак. Бундан ташқари, пломбалар истеъмолчи иштирокида газ таъминоти ташкилоти томонидан Мажбурий ижро бюроси билан ҳамкорликда ўрнатилади. 2020 йилнинг 1 августидан Бюронинг бир қатор ваколат ва вазифалари «Минтақавий электр тармоқлари» АЖ ва «Худудгазтаъминот» АЖга ўтади. МИБ ходимлари газ ва электр энергияси истеъмолчилари билан ўзаро муносабатлар жараёнидан тўлиқ чиқариб юбориладими-йўқми, деган масала очиқлигича қолмакда.

– *Газ ҳисоблагичлари ўрнатилаётганда кимлар иштирок этиши керак?*

– Амалдаги ҳужжатларга мувофиқ газни ҳисобга олиш ускуналари ўрнатилаётганда етказиб берувчи, Мажбурий ижро бюроси вакиллари ва истеъмолчи иштирок этиши керак. Уй-жой фонддини ҳисоблагичлар билан жиҳозлаш тартиби Энергия ресурсларини ҳисобга олишнинг автоматлаштирилган тизимини жорий этиш доирасида электр

энергияси ва табиий газни ҳисобга олишнинг замонавий ускуналарини ўрнатиш тартиби тўғрисидаги низомда (АВ томонидан 4.05.2018 йилда 3005-сон билан рўйхатдан ўтказилган) белгиланган. **Замонавий газ ҳисоблагичларини ўрнатиш шартлари ва тартиби ҳақида биз «Норма маслаҳатчи»нинг 7.04.2020 йилдаги 14-сонида батафсил тушунтирган эдик.**

**– Янги ҳисоблагич нуқсон билан ишлаган тақдирда нима қилиш керак?**

– Газ ҳисоблагич ускунасининг ишида нуқсон бўлса ёки у ишдан чиққан тақдирда ишлаб чиқарувчининг кафолати мавжуд.

**– Истеъмолчи газ ҳисоблагичининг тўғри ишлаганига нисбатан шубҳаси бўлган тақдирда қандай йўл тутилади?**

– Юридик ва жисмоний шахсларнинг талабига биноан навбатдан ташқари ва эксперт қиёсловининг ўтказилиши назарда тутилган. Бундай қиёсловдан ўтказишларда истеъмолчи иштирок этиш ҳуқуқига эга.

**– «Ақлли» ҳисоблагичнинг ишлаш принципи қандай?**

– Замонавий газ ҳисоблагичларида маълумотларнинг Ягона ахборот тизимига ўтказилиши таъминланиши керак. Маълумотларга ишлов бериш маркази билан боғланиш учун ҳар бир ҳисоблаш ускунаси уни қувват билан таъминлаб турадиган sim-карта ва батарейка билан жиҳозланган бўлиши керак. Батарейка 10 йилга мўлжалланган. Баланс ноль кўрсаткичга тушиб қолганда диспетчер газ етказилишини тўхтатиб қўяди. Агар газнинг тўхтатиб қўйилиши дам олиш кунларига тўғри келиб қолса, абонентга кредит тақдим этилади.

**– Батарейка белгиланган фойдаланиш муддатидан олдин ишдан чиққан тақдирда у қимнинг ҳисобидан алмаштирилади?**

– Батарейкани газ таъминоти ташкилоти алмаштириб беради.

## Бутловчи қисмлар учун истеъмолчи ҳақ тўлайдими ва инвестициявий устама нима дегани?

**– Газ таъминоти ташкилотлари ходимлари ҳисоблагичларни ўрнатаётганда истеъмолчилардан бутловчи қисмлар учун тўлов ундиришга ҳақлими? Ускунани ўрнатганлик ёки ускунанинг ўзи учун фуқаролардан пул талаб қилинган тақдирда қимга мурожаат қилиш керак?**

– Янги ҳисоблагичларни ўрнатиш, ечиш, қиёсловдан ўтказиш, таъмирлаш текинга, газ таъминоти ташкилотининг ҳисобидан амалга оширилади. Истеъмолчилар фақатгина ҳисоблагич ускунасининг сақланганлиги учун жавобгар бўладилар. Бунда барча бутловчи қисмлар – қувурлар, газ фильтрлари, болтлар, ўтказгичлар, пайвандлаш симлари ва бошқа деталлар ҳам газ таъминоти ташкилотлари ҳисобидан харид қилинади. Бунинг учун истеъмолчилардан пул талаб қилинса –

бу қонунбузарлик ҳисобланади. «Худудгазтаъминот» АЖ бундай ҳолатлар юз берганда **1104, 71 200 08 04** телефон рақамлари, шунингдек Facebook ижтимоий тармоғидаги «Муаммолар ва газ таъминоти масалаларини ҳал этиш йўллари», «ХУМШ ва у билан қандай яшаймиз?», «Коммуналка» номли жамоат гуруҳлари орқали мурожаат қилиш мумкин.

**– Замонавий газ ҳисоблагичларининг қиёслови қандай ўтказилади?**

– Газни ҳисобга олиш янги ускуналарининг давлат қиёсловини «Уэстандарт» агентлиги ҳар 10 йилда ўтказиши. Бинобарин, газ ҳисоблагичларини давлат қиёсловидан ўтказиш бўйича ишларни ташкил этишни «Уэтрансгаз» ва Мажбурий ижро бюроси таъминлайди.

**– Замонавий газ ҳисоблаш ускуналари бепул ўрнатилаётганини айтишяпти. Айни вақтда ижтимоий тармоқларда ГНХАТ лойиҳасини қоплаш учун инвестициявий устама жорий этилаётгани ҳақидаги масала муҳокама қилинаётир. Бу қайси ҳужжатда назарда тутилган?**

– ПҚ-3384-сон қарорнинг 6-бандига мувофиқ 2020 йил 1 январдан ГНХАТ лойиҳасини амалга ошириш муддатига **1 м куб табиий газ учун 17 сўм** (республикада реализация қилинадиган) миқдоридан заруратга кўра индексация қилинадиган ҳамда фақатгина лойиҳа доирасида республика жамғармалари, тижорат банклари, халқаро молия институтларининг жалб этилган маблағларини қоплашга ҳамда бошқа харажатларни молиялаштиришга йўналтириладиган **инвестициявий устамани жорий этиш тақлиф этилган эди. Ушбу норма 18.06.2020 йилдаги ПФ-6010-сон Фармонга 1-қлованинг 11-банди «г» кичик бандига биноан ўз кучини йўқотди.**

**– Янги газ ҳисоблагичларининг кўрсаткичлари қиёсловдан қандай ўтади? Бунда истеъмолчи туман газ ходимларини ўз квартирасининг ошхонасига киритишга мажбурми?**

– Замонавий газни ҳисобга олиш ускуналари ГНХАТга уланаётганда кўрсаткичлар онлайн режимда Ягона ахборот тизимига ўтказилади. Бу билан туман газ ташкилоти ва Мажбурий ижро бюроси ходимлари томонидан олдинлари амалга оширилган уйма-уй юриб, кўрсаткичларни қиёсдан ўтказишга эҳтиёж қолмайди.

**– Узун-қисқа гапларга қараганда, замонавий газни ҳисоблаш ускуналари фақатгина эски ҳисоблагиччи бор бўлганларга ўрнатилаётган экан. Қимда ҳисоблагич бўлмаса, туман газ ташкилотига уни ўрнатиш бўйича ариза билан мурожаат қилиши керак экан. Шу тўғриси?**

– «Худудгазтаъминот» АЖ матбуот хизматининг ахборотига кўра, ҳисоблагичлар шахсий абонентлик ҳисобварағига эга бўлган барча истеъмолчиларга ўрнатилади. Ҳисоблагичлар биринчи навбатда ҳисобга олиш ускунаси ишламаётганларга ёки қиёсловдан ўтказиш муддати тугаётганларга ўрнатилади. Мазкур истеъмолчилар туман газ ташкилотига мурожаат қилишлари даркор.



Муқобил йўл

## Уйларни бошқариш: шунча бўларму бай-бай...

Кўп квартиралли уйларда яшовчи мулкдорларда ҳар қандай бошқарувчи компанияларга қарши иммунитет ҳосил бўлиши мумкин. Ҳатто муваффақиятли ишлаётган компанияларга нисбатан ҳам. Ваҳоланки бошқарувчи компаниялар кўп қаватли уйларни сақлашга доир ўз ишини уддалай олмаётган ширкатлар ўрнига майдонга чиқа олади. Бундай қаршиликка эса мулкдорлар ҳуқуқларини бузган ва бошқарув усулини танлаш имкониятини бермаган ҳолда уйда яшовчиларга БКни «мажбурлаб тиқштириш» сабаб бўлмоқда.

Бу хавотирли вазият мустаҳкам ўрнашиб олиши ва кўп салбий оқибатларга олиб келиши мумкин. Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги тимсолидаги ислохотчилар бу жиҳатга жиддий эътибор қаратишлари керак. Жорий йилнинг 1 августидан «Кўп квартиралли уйларни бошқариш тўғрисида»ги Қонуннинг кучга кириши билан мазкур Вазирлик бошқарув органлари фаолиятининг асосий мувофиқлаштирувчиси, Вазирлик ҳузуридаги Кўп квартиралли уй-жой фондидан фойдаланиш соҳасини назорат қилиш инспекцияси эса – назорат органи ҳисобланади.

БКнинг уй мулкдорларига босим ўтказётгани далиллари ижтимоий тармоқлардаги постларда кўп учрайди. «Норма» газетасининг 25.02.2020 йилдаги 8-сон мавзуйи нашрида биз Чилонзор туманида БКни мажбурий жорий этиш билан боғлиқ вазиятни тадқиқ қилган эдик. Бу масалаларга жиддий муносабат билдирилмаса, у ҳолда кўп квартиралли уйларни профессионал сақлаш билан боғлиқ бўлган уй-жой фонднинг техник ҳолатини яхшилашга доир умидлар пуч хаёллигича қолиб кетиши мумкин. Сабаби қонун ҳужжатларини бузиш – ислохотлар оёғига болта уриш дегани. Қонун кучга кириши билан уй-жой фонднинг ривожлантириш тарихида янги саҳифа очилади ва бу бошқарувчи компаниялар томонидан мулкдорлар ҳуқуқларини жиддий тарзда бузиш билан донг таратиши мумкин. Айрим муурожаатларнинг ўзиёқ бугунги кундаги умумий вазиятни аяққол акс эттириб туради.

Пандемия ва унинг оқибатларига қарамай, БКни олға сурish бўйича ноқонуний жараён давом этиб келмоқда. Кўп ҳолларда янги бошқарувчилар ҳокимиятлар, маҳалла кўмиталари, округлар раҳбарлари, у частка нозирлари ва аслида кўп квартиралли уйларни бошқаришга алоқаси бўлмаган бошқа арбоблар кўмакчи гуруҳлар таркибида ҳаракат қилаётдилар. Шунга қарамай, улар БКнинг ХУМШ-га босим ўтказиш бўйича хатти-ҳаракатларида иштирок этадилар.

Бундай ҳаракатларда иштирок этувчи шахслар қонун ҳужжатларини билмайди ёки уй-жой фонднинг бошқариш усулини танлаш ҳуқуқи мулкдорларнинг мутлақ ҳуқуқи эканлигидан хабардор эмаслар, деган хом хаёлга бормаслик керак. Эҳтимол, кўллаб бошқарувчилар ўзларини қонундан ҳам юқори кўяра, ҳамма нарсани «ўхшатиб юборамиз» қабилида қонунларни ҳам менсимай кўялар.

### ХУМШга босим давом этаётир...

Уйда яшовчилар бундай босимларга дош беришлари амримаҳол. БКга ўтишга ҳатто ширкатлар яхши ишлаётган ҳамда уйлар қоникарли ҳолатда бўлган жойларда ҳам мажбурлашяпти. ХУМШ аъзоларини ширкатларни ёпишга ва шартномаларни янги ташкилотлар билан тузишга тарғиб қилишмоқда. Бунда тоғдек-тоғдек ваъдалар берилмоқда: бадал миқдорини пасайтириш, кредитлар бўйича тўловларни бекор қилиш ва бошқа сафсаталар... «Гагга тушунмайдиганлар»га эса таъсир чоралари ҳам қўллаб кўрилмоқда. Дейлик, ХУМШни текширишни ташкил этиш – бу энг оммалашган таъсир чораларидан. Айрим жойларда ширкатнинг муҳрларини тортиб олиш ёки уйда яшовчиларнинг хоҳиш-иродасига зид равишда бошқа компаниянинг бошқарувида бўлган уйларга эгаллик қилишга ҳаракатлар бор. Ваҳоланки мулкдорлар шу бошқарувдан қониқаётган ва ўзга бошқарувчи тасаруфига ўтишни истамаётган бўлишлари ҳеч кимни қизиқтираётгани йўқ. Булар ҳақида биз «Норма»нинг 25.02.2020 йилдаги 8-сон мавзуйи нашрида баён этган эдик.

Бу каби бошқарувчилар ва қўлловчи гуруҳлар жипс-лашган ва уюшган ҳолда ҳаракат қилишади. Мулкдорлар шундай вазиятларда шубҳага бориб қолишади: мабодо шахсий манфаат йўқмикин? Чунончи, янги БК ҳокимият ва бошқа идоралар вакиллари билан аффилиланган бўлиб қолмадикикин? Акс ҳолда уй-жой тизими бу соҳадан узоқ бўлганлар учун ҳам жозибадор бўлиб бораётганининг сирини нимада?

Янги бошқарувчилар ХУМШни ёпиш билан оворалар. Лекин ҳеч бир норматив-ҳуқуқий ҳужжатда ширкатни тугатиш масалаларини ХУМШ аъзолари эмас, балки ўзга шахслар ҳал қилишга ҳақли деган жойи йўқ. Қонун ҳужжатларида, шунингдек, БК хизматларига ХУМШ мавжуд бўлган тақдирда ҳам буюртма бериш мумкин, фақат бунда у мулкдорлар вакили сифатида иштирок этиши кераклиги назарда тутилган. Бироқ бу вариант иккинчи тарафни қониқтирмайди. Бунга сабаб, эҳтимол, яшовчиларнинг БК фаолияти устидан назорати кўпроқ бўлиши мумкинлигидадир.

Кўплаб бошқарувчилар уй-жой мулкдорларига ўз хизматларини етарлича малака билан таклиф эта олмайдилар. Бу ҳам БКни «яхши ҳазм қилмаслик»ка сабаб бўлмоқда. БКларнинг муайян қисми қурилиш ташкилотлари бўлганлиги сабабли кўп квартиралли уйларни сақлаб туриш – арзимаган иш деб уйлашади. Ваҳоланки қурилиш ишлари билан уй-жой фондини бошқариш – тамоман бошқа-бошқа ишлардир. Яна бир бошқаруви қачонлардир кўп квартиралли уйларга хизмат кўрсатиб, одамлар орасида тескари обрў қозонганлар. Шунинг учун аҳоли улар билан муомала қилишни истамайди ҳам.

Янги авлод бошқарувчиларининг профессионал тайёргарлиги уй-жой соҳасида долзарб масалалардан бўлиб қолган. Ўзбекистон уй-жой фондининг профессионал бошқарувчилари ва хизмат кўрсатувчилари ташкилотлари уюшмаси бу масалага жиддий эътибор қаратиб келмоқда.

Ҳатто карантин шароитида ҳам уюшма уй-жой соҳасида малакали ишлашни истовчилар учун вебинарлар, маслаҳатлар, тренинглар ўтказмоқда, соҳага тааллуқли қонун ҳужжатларидаги янгиликларни тушунтириб бормоқда.

Афсуски, «Кўп квартиралли уйларни бошқариш тўғрисида»ги Қонунда БКни лицензиялаш масаласи назарда тутилмаган. Лекин унда бошқарувчи фаолиятини амалга оширувчи (жисмоний шахс) яқка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтиши шартлиги ва малака (аттестация) сертификатига эга бўлиши кераклиги тўғрисидаги норма белгиланган. Бошқарувчи ташкилот штатида кўп квартиралли уйни бошқариш бўйича тегишли малака (аттестация) сертификатига эга бўлган камидда 2 нафар мутахассис бўлиши зарур. Жабҳада профессионал, масъулиятли ва виждонли компаниялар иш олиб бориши учун малакавий талаблар ҳужжатлар билан шунчаки эмас, балки ҳақиқатда тасдиқланган бўлиши лозим.



## Ҳуқуқий ҳимоя дастаги

# Уй-жой фондини бошқаришга аралашув ҳолатларида қандай ҳужжатларга амал қилиш керак

ХУМШ аъзоларини ширкатни ёпишга ва бошқарувчи компаниялар билан шартномалар тузишга ундаётган бўлишса нима қилмоқ керак? Аввало масалани умумий йиғилишда муҳокама этиш лозим. Республикада уй-жой фондида профессионал даражада хизмат кўрсатувчи бошқарувчи компаниялар етарли, яшовчилар уларнинг ишларидан мамнун. Бу ХУМШ аъзолари ихтиёрига қарши ва қонунчилиكنи бузган ҳолда амалга оширилаётган бўлса-чи? Бу ҳақда «Норма маслаҳатчи»нинг 25.02.2020 йилдаги 8-сонда батафсил баён этилган эди. Ҳаракатлар регламентидан ташқари, бошқарув усулини танлаш ҳуқуқи бузилганда ҳимоя воситаси сифатида қандай норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан фойдаланиш муҳим ҳисобланади. Аризалар, мунозабатлар, шикоятларни тайёрлашда қандай ҳужжатларга амал қилиш керак?

**1. ЎЗРнинг «Кўп квартиралли уйларни бошқариш тўғрисида»ги Қонуни (2020 йил 1 августдан амалга киритилди):**

Кўп квартиралли уйларларни бошқариш усули кўп квартиралли уй-жойлар мулкдорларининг умумий йиғилиши томонидан аниқланади.

Кўп квартиралли уйни бошқариш:

бевосита жойларнинг мулкдорлари томонидан;

юридик шахс бўлган бошқарувчи ташкилот томонидан ёки жисмоний шахс (яқка тартибдаги тадбиркор) бўлган бошқарувчи томонидан шартнома асосида;

битта ёки зич жойлашган бир нечта кўп квартиралли уйда турар жойларнинг мулкдорларини бирлаштирувчи уй-жой мулкдорларининг ширкати бўлган нотижорат ташкилот томонидан амалга оширилади (8-м.).

Уй-жойлар мулкдорларининг умумий йиғилиши шу жумладан:

кўп квартиралли уйни бошқариш усулини белгилайди; умумий мол-мулкни бошқариш, унга хизмат кўрсатиш ва

уй таъмирлаш учун танлов асосида юридик ҳамда жисмоний шахслар билан шартнома тузиш тўғрисида қарорлар қабул қилади;

кўп квартиралли уйларнинг бошқариш органлари фаолияти устидан назоратни амалга оширади;

кўп квартиралли уйларнинг бошқариш органлари томонидан ҳисобот бериш тартибини белгилайди (21-м.).

**2. ЎЗР Фуқаролик кодекси:**

Мулк ҳуқуқи шахсининг ўзига қарашли мол-мулкка ўз хоҳиши билан ва ўз манфаатларини кўзлаб эгаллик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш, шунингдек ўзининг мулк ҳуқуқини, ким томонидан бўлмасин, ҳар қандай бузишни бартаараф этишни талаб қилиш ҳуқуқидан иборатдир. Мулк ҳуқуқи мuddатсиздир (164-м.).

Мулк дахлсиздир ва қонун билан кўриқланади.

Мулкнинг дахлсизлиги мулкдорга қарши турган барча субъектларнинг мулк ҳуқуқини бузишдан ўзларини сақлашларидан иборатдир (166-м.).

### 3. ЎзРнинг «Хусусий мол-мулк ва мулкдорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни:

Мулкдорнинг бошқа давлат органлари билан ўзаро муносабатларида мулкдор ҳуқуқларининг устуворлиги тамойили амал қилади, унга мувофиқ хусусий мулк ҳуқуқининг амалга оширилиши туфайли юзага келадиган қонунчиликдаги бартараф этиб бўлмайдиган зиддиятлар ва ноангиқликлар мулкдорнинг фойдасига талқин қилинади (7-м.).

#### 4. ЎзР Жиноят кодекси

Назорат қилувчи, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ҳамда бошқа давлат органининг ва давлат ташкилотининг мансабдор шахси ёки ёки хизматчиси томонидан хусусий мулкдорларнинг ҳуқуқларини бузиш йўли билан уларга зарар етказиш, яъни мулк ҳуқуқини қонунга хилоф равишда чеклаш ва (ёки) ундан маҳрум этиш, хусусий мулкка тажовуз қилиш, номақбуллиги олдидан аён бўлган шартларни мулкдорларга мажбуран қабул қилдириш, шу жумладан мол-мулкни ёки мулккий ҳуқуқларни топширишни асоссиз равишда талаб қилиш, шунингдек мулкдорнинг мулкни олиб қўйиш ёхуд ўз мол-мулкига бўлган ҳуқуқидан воз кечишга мажбурлаш, талон-торож аломатлари мавжуд бўлмаган тақдирда, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг 200 бараваридан 300 бараваригача миқдорда жарима ёки муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиб, 3 йилдан 5 йилгача озодликни чеклаш ёхуд 3 йилдан 5 йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

а) кўп миқдорда зарар етказган ҳолда;  
б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдидан тил бириктириб содир этилган бўлса, –

БҲМнинг 300 бараваридан 500 бараваригача миқдорда жарима ёки муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиб, 3 йилдан 5 йилгача озодликни чеклаш ёхуд 3 йилдан 5 йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

а) жуда кўп миқдорда зарар етказган ҳолда;  
б) уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, –

БҲМнинг 500 бараваридан 600 бараваригача миқдорда жарима ёки муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиб, 5 йилдан 7 йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади (192-1-м.).

Ҳокимият ёки мансаб ваколоти доирасидан четта чиқиш, яъни давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мансабдор шахсининг ўзига қонун билан берилган ваколатлар доирасидан четта чиқадиган ҳаракатларни қасддан содир этиш, фуқароларнинг ҳуқуқларига ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига кўп миқдорда зарар ёхуд жиддий зиён етказилишига сабаб бўлса, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг 150 бараваридан 300 бараваригача миқдорда жарима ёки 5 йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёки 360 соатга мажбурий жамоат ишлари ёки 3 йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки 1 йилдан 2 йилгача озодликни чеклаш ёки 3 йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

а) жуда кўп миқдорда зарар етказган ҳолда;  
б) уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, –

БҲМнинг 300 бараваридан 600 бараваригача миқдорда жарима ёки муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиб, 2 йилдан 5 йилгача озодликни чеклаш ёхуд 5 йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади (206-м.).

### 5. ЎзРнинг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси:

XXIII бобда маъмурий органлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, уларнинг мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги), чиқарган қарорлари устидан шикоят даъвоси қўриб чиқилиши назарда тутилган.

### 6. ЎзРнинг «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни:

Истеъмолчилар товар (иш, хизмат) ҳақида, шунингдек товар ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи) ҳақида тўғри ва тўлиқ маълумот олиш, товар (иш, хизмат)ни эркин танлаш ва унинг теглиши даражада сифатли бўлиши ҳуқуқига ҳам эгадир (4-м.).

## Ҳокимиятлар аралашуви тақиқланади, бироқ уй-жой фондини бошқаришда тартибга солиш кучайтирилади

2020 йил 1 августдан амалга киритиладиган «Кўп квартирали уйларни бошқариш тўғрисида»ги Қонун (7.11.2019 йилдаги ЎРҚ-581-сон) маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ва улар мансабдор шахсларининг ККУни бошқариш органлари фаолиятига аралашуви тақиқланади. Бундай аралашувлардан чарчаган бинолар мулкдорлари янги қонун ҳужжати билан аралашувларнинг бартараф этилишига умид қилмоқдалар.

«Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати тўғрисида»ги Қонунда ширкатларнинг маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан ўзаро муносабатлари қайд этилган эди.

2006 йилда қабул қилинган ушбу қонунда, томонларнинг ўзаро муносабатларини тартибга солиш нормалари ХУМШ аъзоларининг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳи-

моя қилиш мақсадида белгиланган эди. ХУМШ тўғрисидаги Қонунда ҳоқимиятларнинг роли ХУМШ раҳбарияти томонидан мулкдорлар ҳуқуқи бузилганда, мулкдорларнинг ҳуқуқлари кафолати сифатида белгиланган эди. Ушундан ширкатлар аъзоларида ўз қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун етарли тажриба бўлмаган. Вақт ўтиши билан маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳимоялаш ўрнига ХУМШ ишларига ўзлари аралашадиган бўлдилар. Қонун ҳужжатларида белгиланган ҳоқимиятлар томонидан ширкатларни қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари қарама-қарши томонга ўзгара борди. Масалан, ХУМШ тўғрисидаги Қонунда ҳоқимият билан муносабатлар ортқича ғамхўрликсиз ўрнатилиши лозимлиги белгиланган. Ҳоқимиятлар эса ширкатларга турли кўрсатмалар беришдан бўшамаяптилар. Улар томонидан ХУМШ аъзоларининг умумий йиғилишига бошқарув раисларини чақириб олиш, бошқарувчилар ХУМШ аъзоларининг ҳуқуқлари ва манфаатларига риоя этмаганларида бошқарувчиларни (ижрочи директорларни) лавозимдан озод этиш, ушбу лавозимга номзодни таклиф этиш, ширкат томонидан қонун ҳужжатлари бузилганда навбатдан ташқари ХУМШ аъзоларининг умумий йиғилишини чақириб тўғрисидаги таклифлар кўриб чиқиш учун тақдим этилади. Натижада нималар бўлгани ҳаммага маълум.

Ширкатларнинг маҳалла кўмиталари билан ўзаро муносабатлари ҳар доим ҳам ҳамкорлик тамойилига мувофиқ бўлавермаган. Кўпгина маҳалла кўмиталари вақт ўтиши билан ҳоқимиятларнинг «жарчисига» айланган.

Мулкдорларни давлат органлари ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг муносабатлари қандай йўлга қўйилиши хавотирга солмоқда, «Кўп квартиралли уйларни бошқариш тўғрисида»ги янги Қонун қачон амалга киритилади? Давлат томонидан қўллаб-қувватлаш қандай бўлади? Бошқарув органлари фаолияти ким томонидан назорат қилинади ва мувофиқлаштирилади?

## Кўп квартиралли уйларни бошқаришни давлат томонидан қўллаб-қувватлашда нималар назорат тутилади

Давлат жойлар мулкдорларининг, бошқарувчи ташкилотлар ва бошқарувчиларнинг, ширкатларнинг ҳуқуқлари таъминлианини ҳамда қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишни кафолатлайди, уларни ривожлантиришга ва мустаҳкамлашга кўмаклашади.

Кўп квартиралли уйларни бошқариш органларини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

- уй-жой-коммунал соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни, шу жумладан стандартларни такомиллаштириш;

- ККУда авария вазиятларини бартараф этишда кўмаклашиш;

- коммунал хизматлар ҳақини тўлаш тизимини такомиллаштириш;

- уй-жой-коммунал соҳасида хизматлар кўрсатишда рақобатни ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш;

- солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича имтиёзлар, шунингдек имтиёзли кредитлар бериш;

- кам таъминланган оилаларга ККУни сақлаш бўйича ёрдам кўрсатиш;

- ККУга туташ ер участкаларини доимий фойдаланиш ҳуқуқи асосида бериш;

- ККУни бошқариш соҳасида кадрлар тайёрлашни ва уларни қайта тайёрлашни амалга ошириш;

- ККУдан фойдаланишнинг самарали тизимини яратиш бўйича алоҳида дастурлар қабул қилиш ва бошқа чоралар кўриш («Кўп квартиралли уйлар тўғрисида»ги Қонуннинг 9-м.).

## Бош мувофиқлаштирувчи – Уй-жой коммунал вазирлиги

Янги Қонун кучга кириши билан унинг 49-моддасига мувофиқ маҳаллий давлат ҳоқимияти органларининг ва улар мансабдор шахсларининг кўп квартиралли уйларни бошқариш органлари фаолиятига аралашувига йўл қўйилмайди. Ҳоқимиятлар ККУни бошқариш органлари томонидан банк кредитларини олишда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кафил бўлиши мумкин.

Янги Қонун аралашувларни бартараф этган ва уй-жой фондини бошқаришда ҳоқимиятлар ролини камайтирган ҳолда Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги (УКХВ) номидан ККУни бошқаришнинг давлат томонидан қўллаб-қувватлаш кучайтирилади. Унинг зиммасига ККУни бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш вазифаси юклатилади, у қуйидагиларни ўз ичига олади (ККУ тўғрисидаги Қонуннинг 10-м.):

- ККУдан ва уларга туташ ер участкаларидан фойдаланиш ҳамда уларни сақлаш бўйича тизимли ишларни самарали ташкил этиш;

- ККУнинг техник ҳолати мониторингини ўтказиш бўйича ишларни ташкил этиш;

- ККУни сақлаш, улардан фойдаланиш талабларига ва фойдаланиш харажатларини аниқлаш талабларига, ККУдан техник жиҳатдан фойдаланиш қоидалари ва нормаларига, уларга туташ ер участкаларини санитария нормаларига, қоидаларига ҳамда гигиена нормативларига мувофиқ сақлаш талабларига риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш;

- ККУни мавсумий фойдаланишга ўз вақтида ва сифатли тайёрлаш;

- замонавий инновацион технологияларни жорий этишга кўмаклашиш;

- ККУни бошқариш органларининг ҳисобини ва уларнинг фаолияти бўйича ҳисоботларни юритиш учун ахборот тизимларини жорий этиш;

- ККУни бошқариш органларининг фаолияти тўғрисидаги ахборотни Вазирликнинг расмий веб-сайтига жойлаштириш ва янгилаб туриш;

- ККУни бошқариш бўйича ахборот ва маслаҳат ёрдами кўрсатиш;

- ККУни бошқариш органларининг фаолиятини ҳуқуқий ҳам услубий жиҳатдан таъминлаш;

- ККУни бошқариш бўйича норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш,

ККУни бошқаришнинг замонавий шакллари ва усуллари ни ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

➢ ККУни бошқариш бўйича мутахассислар малакасини ошириш курсларини ташкил этиш;

➢ бошқарувчи ташкилотларнинг мансабдор шахслари ни ва бошқарувчилари, ширкатлар бошқаруви раислари ни аттестациядан ўтказиш ҳамда уларга ККУни бошқариш учун малака сертификатини бериш.

### Бошқарув органлари фаолияти устидан назорат қилиш кимнинг зиммасига юкланади

ККУни бошқариш соҳасидаги давлат назорати Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ҳузуридаги Кўп квартирада уй-жой фондидан фойдаланиш соҳасини назорат қилиш инспекцияси ва унинг ҳудудий инспекциялари томонидан ўрганишлар ҳамда мониторинг ўтказиш орқали амалга оширилади (ККУ тўғрисидаги Қонуннинг 11-м.).

### Уй-жой фонди инспекциясининг ваколатлари нималардан иборат

Уй-жой фонди инспекцияси (ККУ тўғрисидаги Қонуннинг 12-м.):

➢ ККУни, кўп квартирали уйларга туташ ер участкаларини санитария нормаларига, қоидаларига ва гигиена нормативларига мувофиқ сақлаш бўйича талабларга ва улардан техник фойдаланиш қоидалари ва нормаларига риоя этилиши ҳамда мулкдорлар томонидан жойларнинг ўзбошимчалик билан қайта қурилишига ва қайта режалаштирилишига йўл қўйилмаслиги;

➢ белгиланган қоидаларга риоя этилиши ва умумий мол-мулкни, ККУнинг олд томонларини, уйларнинг ички муҳандислик коммуникацияларини таъмирлаш-тиклаш ишларининг тизимли равишда олиб борилиши;

➢ уй-жой-коммунал хизмат кўрсатиш соҳаси ташкилотлари томонидан тегишли хизматлар кўрсатишда техник тартибга солувчи норматив ҳужжатлар талабларига риоя этилиши;

➢ ККУдаги жойлар мулкдорларининг кўп квартирали уйларни капитал таъмирлашни амалга ошириш учун жамғариладиган маблағларидан мақсадли фойдаланилиши устидан давлат назоратини амалга оширади.

### Назорат қилувчи органга қандай ҳуқуқлар берилади

Уй-жой фонди инспекциясига қуйидагилар юзасидан бажарилиши шарт бўлган кўрсатмалар бериш ваколатлари берилади:

➢ ККУни бошқариш органларига ёки жойларнинг мулкдорларига – ККУни сақлаш ва улардан техник фойдаланиш қоидаларининг ҳам кўп квартирали уйларга туташ ер участкаларини санитария нормалари, қоидалари ва гигиена нормативларининг бузилиш ҳолларини бартараф этиш юзасидан;

➢ уй-жой-коммунал хизмат кўрсатиш соҳаси ташкилотларига – тегишли хизматлар кўрсатишда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига риоя этилиши юзасидан.

Уй-жой фонди инспекциясининг қарорлари, унинг мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан суд тартибда шикоят қилиниши мумкин (ККУ тўғрисидаги Қонуннинг 12-м.).

### Маҳалла билан ўзаро муносабатлар

Худди ХУМШ тўғрисидаги Қонундагидек, янги Қонунда ККУни бошқариш органлари фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан кўп квартирали уйларга туташ ҳудудларни ободонлаштириш ва қўқаламзорлаштиришга доир ишларни ташкил этиш ҳамда бошқа масалалар бўйича ҳамкорлик қилиши мумкин (ККУ тўғрисидаги Қонуннинг 49-м.). Бунда қандай бошқа масалалар назарда тутилиши аниқлаштирилмаган. Ушбу норманинг етарлича ишлаб чиқилмаганлиги бошқарув органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўртасидаги келишимовчиликлар ва зиддиятларга сабаб бўлиши мумкин.



### Мавсумий юмушлар

## Қиш ғамини ёзда е

Пойтахтда кузги-қишки мавсумга тайёргарлик ишлари бошланди.

22 май куни Тошкент шаҳар ҳокимининг «Тошкент шаҳридаги иқтисодиёт тармоқлари, уй-жой фонди ва ижтимоий соҳа объектларини 2020-2021 йилларда кузги-қишки мавсумга тайёрлаш тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Унда жорий йилда амалга ошириладиган ишлар, шу жумладан кўп квартирали уй-жой фондини ва ижтимоий соҳа объектларини кузги-қишки мавсумга тайёрлаш белгиланган. Булар янги локал

қозонхоналарни қуриш, ер ости ва ер усти иссиқлик тизимини жорий ва капитал таъмирлаш, янги лифтлар ва смарт-ҳисоблагичларни ўрнатиш, болалар майдончаларини қуриш ва таъмирлаш, ирригация тизимларини янгилаш, янги канализация тармоқларини қуриш, трансформатор пунктларини янгилаш ва пойтахтда амалга оширилиши лозим бўлган бошқа бир қатор вазифалардан иборат.



## Хорижлик ходимни рухсатнома мuddати тугагач ишдан бўшатиш

**Карантин тугайли хорижлик ходим Ўзбекистонга келолмаган ва лицензиянинг амал қилиш мuddатини узайтира олмаган. Ташкилот Меҳнат вазирлигига рухсатномани бекор қилиш учун ариза тақдим этган. Рухсатнома бекор қилиниши ҳақидаги жавоб олингач, хорижлик ходим ишдан бўшатишган.**

**Рухсатнома мuddати тугаганлиги тўғрисидаги хабарнома хорижлик ходим билан меҳнат муносабатларини бекор қилиш учун асос бўлиши мумкинми?**

– Хорижлик мутахассислар билан меҳнат шартномалари рухсатноманинг амал қилиш мuddатига тузилади.

Шу тариқа, рухсатноманинг амал қилиш мuddати тугаганда уни узайтириш рад этилган тақдирда, хорижлик ходим билан тузилган мuddатли меҳнат шартномасини ушбу асос бўйича бекор қилинади (МК 105-м.). Ҳеч қандай қўшимча ҳужжатлар (ариза, лицензия бекор қилиниши тўғрисидаги маълумотлар) талаб этилмайди.

Ходимга нисбатан қуйидаги ҳаракатлар амалга оширилиши лозим:

➢ ишлашга рухсатнома мuddатини узайтириш рад этилганлиги тўғрисида хабар берилди;

➢ меҳнат шартномаси бекор қилиниши тўғрисидаги буйруқ билан таништирилади;

➢ меҳнат дафтарчасини қўлига берилади (МК 107, 108-м.).

Ходимга буйруқ нусхасини ва меҳнат дафтарчасини беришнинг имкони бўлмаганда, ушбу ҳужжатларни у қўрсатган манзилга юборишларига розилигини олиш лозим (Йўриқноманинг 3.1, 3.3-бандлари, АВ томонидан 29.01.1998 йилда 402-сон билан рўйхатдан ўтказилган).

## Ўз ҳисобидан таътил: максимал давомийлиги

**Иш ҳақи сақланмайдиган таътил бир йилда 3 ойдан ортиқ давом этмаслиги лозимлиги назарда тутилган. Бироқ йил бошида иш ҳажми бўлмаганлиги сабабли кўп ходимлар шундай таътил олган эдилар. Бузғунги кунда айрим ходимлар карантин даврини ҳисобга олган ҳолда 3 ойдан буён шундай таътилда ўтиришибди. Карантин даврида бундай таътилга бўлган ходимларга 1 МҲЭКМ миқдоридан моддий ёрдам тўланган.**

**Карантин давридаги иш ҳақи сақланмайдиган таътиллари форс-мажор ҳолатига киритиш ва МКнинг 150-моддасида назарда тутилган 3 ойлик (йўл қўйлабидан) мuddатга киритилмаслиги мумкинми?**

– Меҳнат кодексига иш ҳақи сақланмаган ҳолда таътилдан фойдаланиш мuddати 12 ойлик давр мобайнида жами 3 ойдан ортиқ бўлиши мумкинлиги назарда тутилмаган (МК 150-м.).

Жорий даврда битта истисно мавжуд. Карантин чоралари амал қилган даврда болалар боғчалари ва мактабларнинг фаолияти тўхтатиб турилган тақдирда болалар боғчалари тарбияланувчилари ва бошланғич синфлар ўқувчиларининг ота-оналарига

тақдим этилган иш ҳақи сақланмайдиган таътиллари давомийлигидан қатъи назар, меҳнат стажига киритилади. Бундай таътилга максимал давомийлиги бўйича чекловлар татбиқ этилмайди (Низомнинг 9-банди, АВ томонидан 28.03.2020 йилда 3227-сон билан рўйхатдан ўтказилган).

Иш ҳақи сақланмайдиган таътил иш ҳажми йўқлиги муносабати билан эмас, балки фақат ходимнинг аризасига (хоҳишига) кўра берилади.

## Бўш лавозим бўйича ички ўриндошлик

**Ташкилотда ходим икки лавозимда ишлайди. Иккинчи лавозимда – ўриндошлик тартибда. Меҳнат шартномаси асосий лавозими бўйича расмийлаштирилган, иккинчиси бўйича лавозимда ўриндошликда ишлаши тўғрисида буйруқ чиқарилган. Меҳнат дафтарчасида фақат асосий лавозими кўрсатилган.**

**Иккинчи лавозимга меҳнат шартномаси расмийлаштирилмаганда, лавозим эса тизимда бўш иш ўрни сифатида акс эттирилганда ЯММТда ички ўриндошлик қандай кўрсатилади?**

– Кўриб чиқилаётган саволда иш берувчи «ички ўриндошлик»ни қўллаяпти.

Ички ўриндошлик – асосий иши билан бир қаторда бошқа бўш лавозим бўйича ишни бажариш (Низомнинг 20-банди, ВМнинг 18.10.2012 йилдаги 297-сон қарори билан тасдиқланган).

Ҳақиқатан ҳам, ички ўриндошликдан фарқли равишда бир нечта лавозимда бир вақтда ишлаш шартларида иккинчи меҳнат шартномасини тузиш шарт эмас (Низомнинг 5-банди), ички ўриндошликда эса иккинчи меҳнат шартномаси тузилиши ва ЯММТда рўйхатдан ўтказилиши талаб этилади.

Шу боис ЯММТда ходимнинг меҳнат шартномасини рўйхатдан ўтказишда шартнома штат жадвалидаги асосий лавозимга рўйхатдан

ўтказилади, ўриндошликдаги лавозим дастурда бўш иш ўрни сифатида кўрсатилади. Бироқ иш берувчи Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг бўш иш ўринлари миллий маълумотлар базасига иш ўрни ҳақидаги маълумотда лавозим маоши кўрсатилишини ўчириб қўйиш имконига эга (Низомнинг 44-банди, ВМнинг 5.12.2019 йилдаги 971-сон қарорига 1-илова).

Ушбу функция ўчириб қўйилмайдиган бўлса, Бандликка кўмаклашиш маркази томонидан ушбу лавозимга номзод юборилганда бўш лавозим бўйича мажбуриятлар штатдаги ходимга топширилганлиги тўғрисидаги буйруқ илова қилинган ҳолда янги номзодни ишга қабул қилишни рад этиш имкониятини яратувчи асосли жавоб тайёрлаб қўйишни тавсия этамиз.

## Ўриндошлик бўйича шартномани бекор қилиш

**Корхонада ўриндошлик бўйича ишлайдиган ходимни ишдан бўшатиш лозим. У ушбу корхонада асосий иш жойи бўйича ишлашда давом этади.**

**Ходимнинг ушбу корхонада асосий иш жойида қолдирган ҳолда ўриндошлик бўйича ишдан бўшатиш таомили қандай бўлади?**

– Корхонада бундай иш шакли қандай расмийлаштирилганлигини билиш лозим, шунда ички ўриндошлик ишлаётган ёки лавозимларни бирга олиб бораётган ходимни ишдан бўшатиш таомилини тушунтириб бериш мумкин бўлади.

**1** Асосий иш жойи бўйича ишлайдиган ходим билан қўшимча равишда ўриндошлик бўйича янги меҳнат шартномаси тузилган бўлса, қуйидаги ҳолларда ўриндош ходим билан шартномани бекор қилиш мумкин:

➢ асосий ходим бўш лавозимга ишга қабул қилинганда (МК 100-м. 2-қ. 5-б.);

➢ штат жадвалида ушбу лавозим қисқартирилганда (МК 100-м. 2-қ. 1-б.);

➢ ходимнинг ўриндошлик бўйича лавозимга нолойқлиги (МК 100-м. 2-қ. 2-б.);

➢ меҳнат мажбуриятларини бузганлиги учун (МК 100-м. 2-қ. 3, 4-б.), бу ҳолатга ўриндошлик бўйича мажбуриятлар кесимида йўл қўйилган бўлса;

➢ ходимнинг илтимосига кўра (МК 99-м.);

➢ томонларнинг келишувига кўра (МК 97-м. 1-б.).

Ўриндошлик бўйича меҳнат шартномасини бекор қилишни расмийлаштириш тартиби бекор қилиш асосига боғлиқ бўлади. Асосий иш жойи бўйича шартнома ўз кучида қолади.



**2** Ходимнинг розилиги ва иш берувчининг буйруғи билан ходимга қўшимча ҳақ эвазига асосий иш билан бир вақтда бўш лавозим бўйича қўшимча мажбуриятлар юкланиши мумкин. Бундай ҳолатда иш берувчи ходимни қўшимча мажбуриятлардан озод этиши ва буйруқ билан қўшимча тўловни бекор қилиши мумкин, бунда ходим буйруқ билан таништирилади.

**3** Қўшимча мажбуриятлар асосий меҳнат шартномасида қайд этилган бўлса, иш берувчи ушбу шартларни бекор қилишга ҳақли (МК 89-м.), бунда ходим билан меҳнат шартномасига қўшимча битим имзоланади ва битим асосида буйруқ расмийлаштирилади (МК 96-м.).

## Навбатчиликни ташкил этишнинг ўзига хос жиҳатлари

**Корхона меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этган ҳолда олдиндан касабга уюшмаси билан келишиб, ходимларни дам олиш ва байрам кунлари (навбатчиликка) жалб этади. Дам олиш ва байрам кунларидаги иш учун компенсация тўланади.**

**Иш берувчи бир кунда 4 соатдан ортиқ вақтга навбатчилик қилишга жалб этиши мумкинми (МК 125-м.)? Дам олиш ва байрам кунларида 12 соатлик ишга жалб этишга ҳақлими?**

**Иш вақтидан ташқари ишлаш ҳамда дам олиш ва байрам кунларидаги ишлар ўртасида қандай фарқ мавжуд?**

– Амалдаги қонун ҳужжатларида «навбатчилик» тушунчасига таъриф берилмаган. Шунга қарамай амалиётда ходимлар тез-тез навбатчиликка жалб этилади.

Навбатчиликни график бўйича сменали ишлашдан фарқлаш лозим, график бўйича ходим навбат тартибиде меҳнат шартномасида белгиланган ишларни бажаради.

Саволдан кўриниб турибдики, корхона айнан дам олиш ва байрам кунлари ходимларни ишдан ташқари вақтда масалаларни ҳал этиш учун «тезкор навбатчиликка» жалб этади.


Бундай навбатчилик қўлланиладиган корхона ва ташкилотларда қуйидагилар амалга оширилиши лозим:

➤ ходимларнинг вакиллик органлари билан келишилган ҳолда тегишли низоми ишлаб чиқиши ва тасдиқланиши лозим. Уни ишлаб чиқишда ходимларни иш вақтида ва дам олиш пайтида ишлатиш борасида уларнинг ҳуқуқ ва кафолатлари назарда тутилган амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган талабларни ҳисобга олиш керак;

➤ ходимнинг мажбуриятларига кирмайдиган ишларни бажаришни талаб қилиш тақдирини муносабати билан (МК 177-м.) ушбу шартни (тезкор навбатчиликка жалб этиш имконияти) ходимни юқорида айтиб ўтилган низоми билан олдиндан таништирган ҳолда меҳнат шартномасида келишиб олиш лозим. Бинобарин, ходим қандай ишга кираётганлигини, яъни муайян даврийликда ва белгиланган тартибда навбатчиликка жалб этилиши мумкинлигини билиши ва шунга розилик билдириши лозим.

Томонлар келишиб олганларидан ва бундай шарт меҳнат шартномасига киритилганидан кейингина навбатчилик ходим учун қўшимча меҳнат мажбуриятига айланади. Акс ҳолда ҳар қандай муайян ҳолатда фақат ходимнинг розилиги билан навбатчиликка жалб этилади.

Иш берувчи томонидан иш тўғри ташкил этилганда айнан битта ходим кетма-кет 2 кун 4 соатдан ортиқ муддатга навбатчиликка (иш вақтидан ташқари ишга) жалб этилмайди.



Мазкур ҳолатда бундай ишлаш дам олиш ва байрам кунларида ишлаш, белгиланган нормадан ортиқча ишланган вақт иш вақтидан ташқари ишлаш ҳисобланади (МК 125, 130, 132-м.). Дам олиш ва байрам кунлари, шунингдек иш вақтидан ташқари ишлаганлик учун икки ҳисса миқдорда ҳақ тўланади (МК 157-м.).

Дам олиш ва байрам кунларида 12 соатлик навбатчилик ташкил этилганда графикда навбатчилик бошлангунга қадар ва тугагандан кейин ходимга 12 соатдан кам бўлмаган дам олиш вақти берилиши назарда тутилиши лозим.

Иш вақтининг кундалик режимда эгаллаган павозими бўйича ва навбатчилик вақтида ишланган вақтларни ҳисобга олган ҳолда умумий соатларини чиқариш лозим.

Ходимнинг навбатчиликка жалб этилиши иш вақти ва дам олиш вақти балансини бузмаслиги ҳамда белгиланган нормадан ортиқча ишланишига олиб келмаслиги лозим. Бунда жамланган ҳисоб-китоб узоқ муддатли, бироқ 1 йилдан ошмайдиган ҳисобга олинандиган даврни белгиланганда ёрдам беради (МК 123-м.).

Шунингдек тунги вақтдаги навбатчиликни ҳисобга олиш ва ҳақ тўлаш лозим (МК 158-м.).

Корхонада ушбу масала назарда тутилган чекловлардан келиб чиққан ҳолда тартибга солинади (МК 220, 228, 245-м.).

## Ҳуқуқбузарликни аниқлаш

**Карантин эълон қилинганлиги сабабли компанияда офис биносида тиббиёт ниқобларини тақиб юриш мажбурияти жорий этилди. Бироқ айрим ходимлар ўз кабинетларида ниқоб тақиймаптти.**

**Иш берувчи ички меҳнат тартиби қоидалари қайд этилмаганлигига қарамай, тиббиёт ниқоблари йўқлиги учун интизомий жазо чораларини қўллашга ҳақлими?**

– Корхонанинг ички меҳнат тартиби қоидаларида ёки бошқа локал ҳужжатларида ниқоб режимини бузганлик меҳнат интизомини бузиш сифатида белгиланган бўлса интизомий жазо чоралари қўлланилиши мумкин (МК 181-м.).

Ушбу қоидабузарликни компаниянинг ички локал ҳужжатларида белгилаш ва унда интизомий таъсир чораларини ҳам қайд этиш лозим. Сўнгра локал ҳужжат билан ходимни имзо чектириб таништириш керак. Шунда

иш берувчи белгиланган талабларга риоя этмаган қонидани бузган ходимларга жазо чорасини қўллашга ҳақли бўлади (МК 182-м.).

Шу билан бирга қандай ҳолатларда ниқобнинг йўқлиги қоидабузарлик ҳисобланишини аниқлаштириб олиш лозим. Масалан, ходимлар тўпланмаган жойларда тиббиёт ниқоби тақийлмаганлиги қонидани бузиш ҳисобланиши мумкин. Ходим иш кабинетида бир ўзи бўлганда бу ҳолат қоидабузарлик деб баҳоланмаслиги ҳам мумкин.

## Ишдан бўшатилганда таътил учун компенсация тўлаш

**3.02.2020 йилдан 16.05.2020 йилгача ишлаган ходим ишдан бўшайпти. 1.04.2020 йилдан 30.04.2020 йилгача у иш ҳақи сақланмайдиган таътилда (ўз хоҳишига кўра) бўлган. Ташкилотда меҳнат таътили 24 иш кунини ташкил этади.**

**Ишдан бўшайётган ходимга неча кунлик таътил учун компенсация ҳисобланиши лозим?**

– Меҳнат шартномаси бекор қилинганда ходимга фойдаланилмаган барча таътиллار учун пуллик компенсация тўланади (МК 151-м.), бунда меҳнат шартномасини бекор қилиш сабаблари ҳисобга олинмайди.

**3.02.2020 йилдан 16.05.2020 йилгача бўлган давр учун ҳақиқатда ишланган вақтга мутаносиб миқдорда компенсацияни ҳисоблашнингиз лозим, бунда иш ҳақи сақланмаган ҳолдаги таътиллар чиқариб ташланади (МК 142-м.):**

**24 (тўлиқ таътил миқдори) / 12 (бир йилдаги ойлар сони) × 2 (тўлиқ ишланган ойлар миқдори) = 4 иш куни (МК 141-м.).**

Жамоа шартномасида, корхонанинг бошқа локал ҳужжатларида ёки меҳнат шартномасида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, иш ҳақи сақланмаган ҳолда бериладиган таътил муддати таътил пулини ҳисоб-китоб қилишда чиқариб ташланади (МК 142-м. 2-қ.). Сизда иш ҳақи сайланмаган ҳолдаги таътил даври компенсация олиш ҳуқуқини берадиган иш стажига қўшилиши назарда тутилган бўлса, тўлиқ 3 ой, яъни 6 иш кунига ҳисобланган ҳолда компенсация тўланиши лозим.

### Эътибор беринг!

**Карантин чоралари амал қилган даврда болалар боғчалари ва мактабларнинг фаолияти тўхтатиб турилган тақдирда болалар боғчалари тарбияланувчилари ва бошланғич синфлар ўқувчиларининг ота-оналарига тақдим этилган иш ҳақи сақланмайдиган таътиллари давомийлигидан қатъи назар, меҳнат стажига киритилади (Низомнинг 9-банди, АВ томонидан 28.03.2020 йилда 3227-сон билан рўйхатдан ўтказилган).**

Валерия Ляндрес, кадрлар хизмати ходими.

Иккинчидий ҳуқуқий газета

**НОРМА МАСЛАХАТЧИ**

ҲУҚУҚ  
СОЛЛИКЛАР  
БУХГАЛТЕРИЯ

ТАЪСИСЧИ «Норма» МЧЖ

Газета 2018 йил 12 июнда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинди.  
Рўйхат рақами 0074.

Ҳафтада бир марта сешанба кунлари чиқади.

Бош муҳаррир  
Фарҳод Собирович  
ҚУРБОНБОЕВ

Нашр учун масъул –  
бош муҳаррир  
уринбосари,  
масъул котиб  
Нодир Носирович  
АЛИМОВ

Саҳифаловчи  
Раъно  
ИСМАИЛОВА

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:  
100105, Тошкент ш. Миробод тумани,  
Таллимаржон кўч., 1/1,  
Таҳририят тел. (71) 200-00-90  
Обуна бўлими тел. (71) 200-00-30  
E-mail: [sbx@norma.uz](mailto:sbx@norma.uz),  
[gazeta@norma.uz](mailto:gazeta@norma.uz),  
web: [norma.uz](http://norma.uz)

Обуна, газеталар, китоблар,  
газеталарнинг электрон версияларини  
эпкэзиб бериш ва харид қилиш  
масалалари бўйича (71) 200-00-30;  
«Норма» АҚТ бўйича – (71) 200-00-90;  
Рекламани жойлаштириш бўйича  
(71) 231-07-91 телефон рақамларига  
муурожаат қилиш мумкин.

Газета нашри – «ТОПРИНТ» МЧЖнинг компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.  
Нашр кўрсаткичи – 186. Юго бейғим – А3. Ҳажми – 2 босма табоқ. Баҳоли келишилган нарҳда.  
Буортма г-722. Адади 565. Газета 2020 йил 6 июль соат 18.00 да топширилди.